

## СОВЕТ ДАВРИДА АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

Эрмуратов Эргаши Чоршанби ўғли

Термиз давлат университети

Тарих факултети 2-курс магистранти

Тел: +998932046944

**Аннотация:** Сурхондарё вилоятида 1920-1941-йиллар оралиғида бўлиб ўтган демографик жараёнларни ўрганиш, совет даври адабиётлари ва мустақиллик даврида мавзунинг ўрганилганлик даржасини аниқлаш ва таҳлил қилиш, совет давридаги миграцион сиёсатини очиб бериш, аҳоли таркибига таъсирини ўрганиш.

**Калит сўзлар:** Россия империяси, СССР, Ўзбекистон ССР, Ўрта Осиё, Бухоро Халқ Совет Республикаси, Сурхондарё, вилоят, округ, туман, марказ, аҳоли, колхоз, савхоз, жамоалаштириш, қулоқлаштириш, кўчириш, қатағон, демография, демографик жараёнлар, ички ва ташқи миграция, урбанизация, қонун, қарор, декрет, газета, журнал, архив, дехқончилик, чорвачилик, пахтачилик, хўжалик, таълим, тиббиёт, ер-сув ислоҳоти.

Совет ҳокимияти даврида яратилган илмий нашрларда Ўзбекистонга аҳолини кўчириш сиёсати ва унинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида маълумотлар ҳаққоний ёритилмаган ва мустабид тўзум даврида яратилган илмий адабиётларда, илмий тадқиқотчилар ва соҳа мутахассислари томонидан амалга оширилган илмий ишларда “коммунистик” мафқуранинг таъсири яққол сезилиб туради. Хусусан, нашрларнинг аксарияти совет давлати олиб борган сиёсатни “улуғлаган” ҳолда, Иттифоқ таркибидаги маҳаллий миллатларнинг ҳақиқий аҳволи, уларнинг ижтимоий ҳолати, турмуш тарзининг даражаси, соғлиқни сақлаш, маориф муаммолари каби масалаларга тўхталиб ўтилмайди. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлди, бу борада айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилган бўлиб, уларни холисона ўрганиш, таҳлил қилиш ва эришилган натижаларни кенг оммага тарғиб қилиш имконияти мустақиллик йилларида қўлга киритилди.<sup>1</sup>

Шунингдек, советлар даврида нашр эттирилган ишларнинг кўпчилигига ўша тўзумни улуғлаш, Республикада миллий масалада олиб борилган нотўғри сиёсатни гўёки, “мамлакат тараққиёти ва ривожи йўлида амалга оширилган доно

<sup>1</sup> Ж. А. Амирдинов “Советлар ҳокимияти даврида ўзбекистонга аҳолини кўчириш сиёсати ва унинг мамлакатимиз ижтимоийиқтисодий ва маданий ҳаётига таъсирининг манбашунослиги ва тарихшунослиги” Сурхондарё: илм ва тафаккур илмий мақолалар журнали. №2 2020 йил. Адад плос

сиёсатнинг самараси” сифатида эътироф қилингани сир эмас, қолаверса, мустабид тўзум раҳнамоларининг ўлқадаги маҳаллий халқларнинг миллий-маданий манфаатларини топтаётганликлари, хусусан, ўзбек халқининг миллий анъаналари, урф-одатлари, минг йиллар давомида тараққий топиб, эъзозланиб келинган тарихини ҳам атайн қоралаб кўрсатганлиги ҳақида бирор-бир манбада очик-ойдин фикр билдирилмаганлиги зўравон тўзумнинг бу борада қаттиқўллик билан иш олиб борганлигини исботлаб турибди.<sup>2</sup>

Собиқ Иттифоқда ўтказилган депортация (кўчириш) жараёнларининг сабабларини биринчи маротаба Россиялик олим профессор Н.Ф. Букаев қўйидаги тарзда ҳарактерлаб беради:

1) Мазкур халқлар ўрнатилган тўзумни — совет ҳокимиятини, янги укладли ва социалистик ишлаб чиқариш усулини мақбул деб топмадилар. Бундай халқлар орасида казакларва русийзабон аҳолининг бошқа қисмлари, Болтиқбўйи ва Молдавия халқларининг айрим гурухлари (поляклар, украинлар, белоруслар ва бошқалар) бор эди;

2) Халқлар босқинчи давлат билан ҳамкорлик қилиши эҳтимоли бор деган баҳона билан тўскениликнинг олдини олиш мақсадида немислар, курдлар, месхети турклари, хемшинлар (хемшиллар), греклар депортация қилинди;

3) Айрим халқлар: чеченлр, ингушлар, болқорлар, қорачойлар, қрим татарлари, болгарлар, қалмоқлар, турклар, қисман арманлар гўё Совет ҳокимияти ва Қизил Армияга қарши чиқдилар, деган айб қўйилди;

4) “Ишончсизлик” ёки “ишончсиз унсурлар” тоифасига ингерманляндлар, эронийлар, қисман курдлар ҳам қўшилди;

5) украин қўзғолончи армияси вакиллари “власовчилар”, украин миллатчилар ташкилоти аъзолари ва бошқалар “фашистларга гумашталик қилди” деб айбланди.

Ана шу ҳарактерлаш дан маълум бўлишича, собиқ СССР халқларининг депортация қилиниши турли сабаблар билан асосланган эди. XX асрнинг 30-40-йилларида аҳолининг 60 дан кўпроқ миллий гурухларига анашундай репрессия чоралари кўрилган бўлса, уларнинг 15 таси тўла-тўкис депортация қилинган эди. Ўша йилларда ҳаммаси бўлиб 3,5 миллион киши депортация қилинди.

Халқлар ва миллатларга нисбатан қўлланилган депортация ва қатағонлар воситаси билан совет давлати бошқарув аппаратининг ҳокимияти сақлаб турилди ва мустаҳкамланди.<sup>3</sup>

Хозирда «депортация», ёки юмшоқроқ қилиб айтганда, «зўрлик билан кўчириш», «мажбурий миграция қилиш» деб кулланилаётган тушунчалар билан бевосита боғланган воқеалар жаҳон тарихида кўплаб бўлгани маълум. Бу ўринда

<sup>2</sup> Ўша асар 74-бет

<sup>3</sup> Р.Ҳ. Муртазаева “Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик” Тошкент. “Университет” 2007-йил 99-бет

негр-қулларнинг Африкадан Жанубий ва Шимолий Америкага «кўчирилиши», оккупация қилинган мамлакатлар аҳолисининг фашистлар Германиясига мажбурий ишларга хайдаб олиб кетилиши, маочилар Хитойида «қишлоқка юз тутиш» кампанияси ёки Кампучияда полпотчилар томонидан шаҳар аҳолисининг тутал тарзда депортация қилингандигини эслаб утиш кифоядир.

Чор Россиясида ҳам мажбурий кўчиришлар бўлган. Столипин реакцияси даврида қўплаб дехқонлар Марказий Россиядан мустамлака Туркистонига кўчирилган, Биринчи жаҳон уруши йилларида эса Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи ҳудудларидан салтанатнинг ҳудудларидан салтанатнинг марказий, шимолий ва шаркий районларига юз минглаб немислар, австрийслар, венгерлар, яхудийлар, поляклар, турклар ва бошкалар депортация қилингандар.<sup>4</sup>

Совет даврида ўзининг бутун буй-басти билан катта фожеа тусини олган тарихимизнинг аламли ва аччиқ саҳифаларидан бири қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш ва шу асосда бадавлат дехқон хўжаликларини тугатиш, қатағон қилиш, ўзларини эса бутун оила аъзолари билан биргаликда бегона юртларга мажбурий сургун қилиш ва уларнинг фожеали тақдирлари, қисматлариидир.<sup>5</sup> Советларнинг 20—30-йилларда олиб борган коллективлаштириш, қулоқ қилиб сургун этиш сиёсати оқибатида Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси, дехқонлар оммасининг катта бир қисми мислсиз азоб-уқубатлар гирдобида қолди, улар фожеали ҳаёт кечиришга мажбур этилдилар, мол-дунё, бутун борлиғидан маҳрум этилиб, қамоққа олинди, сургун этилди, концлагерларда, ўзок юртларда ҳалок булди, аёллар, болалар, кексалар йул, сургун, очарчилик азобларига бардош бераолмай ўлиб кетди. Кўплаб юртдошлар бегона юртларда кафансиз, жанозасиз, дағн маросимларисиз ер қаридан абадий жой олди. Яна кўплаб сургундаги юртдошларимиз Иккинчи жаҳрн урушида ҳалок булди, асирга тушди, хорижда қолиб кетди. Омон-эсон қолганлари мислсиз йул азобларини тортиб она юртлари бағрига қайтдилар.

Аммо мустабид совет тўзуми даврида «миллион-миллион бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанча-қанча оиласалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих бугунги ва келажак авлод хеч қачон унутмайди».

1929—1939 йиллари Ўзбекистонда ҳам қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш дехқонларнинг катта қисмини қулоқ қилиш орқали амалга оширилди. Собиқ Иттифоқнинг барча худудлари қатори Ўзбекистонда ҳам коллективлаштиришни сунъий тезлаштириш, «социалистик мусобақа»нинг ким ўзди пойгасини ташкил этиш ВКГ(б) Марказий Комитетининг 1930 йил 5 январда

<sup>4</sup> Р. Шамсутдинов, А. Мамажонов “Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати”. — Т.: «Шарқ», 2005 128-бет

<sup>5</sup> Ўша асар. 9-бет

«Коллективлаштириш суръати ва колхоз қурилишига давлат ёрдами бериш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сунг авж олди. Қарорда Ўзбекистонда коллективлаштириши туталлаш

1933 йил баҳоригача амалга оширилиши кўрсатилган. Аммо ВКП(б) МКнинг Сиёсий бюроси мамлакатда коллективлаштириш тажрибасини ўрганиб чиқиб, амалий чоралар белгилайди. Унда Ўзбекистон коллективлаштириш жуда секин ривожланиб бораётган ҳудудлар қаторида экани учун танқид остига олинади. Бу эса Марказнинг Ўрта Осиёдаги асосий таянч органи бўлган Ўрта Осиё бюроси учун айни муддао эди. Шу боис Ўзбекистонда коллективлаштириш ва бу билан ботик қулоққа тортиш кампанияси авж олиб кетган. Айни шу жараён мазкур ишда Сурхондарё вилояти мисолида янги далилий манбалар асосида очиб берилади. Бунда Марказнинг «танқидий хулосалари», Ўрта Осиё бюросининг қистови, талаби асосида республика совет хукумати ва Комфирқаси Ўзбекистонда коллективлаштиришни юқори суръатларда ва оммавий сафарбарлик асосида олиб боришга чираниб ҳаракат қилиши, шу боис бу сиёсатни амалга оширишдаги барча бўзилишлар, қинғир ишлар, зўравонликлар чукур тахлил қилинади.

Бу бўзилишлар, зўравонликлар қишлоқ аҳолисининг норозилигини келтириб чикарди, колхозлаштиришга, умуман, совет режимига қарши уларнинг исёнларини, қўзғолонларини, бир гап билан айтганда, дэҳконларнинг инкилобий ҳаракатларини юзага келтирди. Адолат юзасидан шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда коллективлаштириш, қулоқ қилиш оқибатида сиёсий танглиқ бекарорлик (режимга, аграр сиёсатга қарши ҳаракат) ҳатто авжига минганидан Марказ ташвишга тушган. Бундай аҳволга партия органлари ва уларнинг раҳбар ходимлари жазо органларининг олиб бораётган нотўғри фаолияти сабаб булаётганлигини таъкидлашган. Айни вақтда Марказдан келган, никобланган десант ходимларнинг ҳам хизмати катта бўлган. Ўзбекистонда ҳам сиёсий муҳолифатга мансуб бўлган кучлар кўплаб раҳбар органларда ўрнашиб колган ва партияга қарши, Сталинга қарши чиқишлиар юз беришига зимдан ҳаракат қилганлар. Улар Марказ директивасини бўзиш, кингайиш асосида фаолият кўрсатиб, қишлоқ аҳолисининг норозиликларини авжига чиқаришга уринганлар.

Қулоқ қилинадиганлар тоифалари ва микдорий нормалари совет органлари томонидан белгилаб берилган.

Биринчи тоифага «аксилинқилобий фаоллар» — террор ва «советларга қарши фаолият» ташкилотчилари кирган. Улар сиёсий жиноятчилар сифатида қамоққа олиниши, қатағон қилиниши ёки ҳатто отилиши керак бўлган. Уларнинг оиласлари мамлакатнинг ўзок районларига сургун қилинган.

Коллективлаштиришга қарши фаол кўрашганлар, йирик кулонутар ва собик ярим помешчиклар, яъни иккинчи тоифа вакиллари ҳам уша ўзок жойларга сургун қилинганлар.

Қулоқ қилингандарнинг колган қисми учинчи тоифага мансуб бўлиб, улар аввал ўзлари яшаб турган улка ва вилоятлар худудига, аммо ўзларининг хўжаликлар, тураг жойларидан ташкари жойларга сургун қилингандар.<sup>6</sup>

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш, бойбадавлат, тадбиркор деҳқон хўжаликларини тутатиш билан боғлиқ масалалар собиқ шўролар даврида яратилган кўп жилдлик «Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи» китобининг қатор жилдларида ҳам ўзига хос равища акс эттирилган. Акс эттирилганида ҳам бор ҳакикат холисона айтилмай, сохталаштириб берилган. Масалан, Ўзбекистоннинг у ёки бу райони, вилоятидан бошка бир район ёки вилоятга жўнатилган хўжаликлар пахта усталари, тажрибали деҳқонлар сифатида тажриба алмаштириш мақсадида юборилганлар, деб тавсифланади.

Аслида эса мазкур қулоқ оилалари ана шу жойларга мажбурий равища мөхнат посёлкаларига, лагерларга жойлаштирилган мөхнат қўчкундилари эдилар. Кўриниб турибдики, мажбуран зўравонлик билан бегона юртларга бадарға қилинган, қатағонлик қурбони бўлган одамлар силлиққина, беозор ном билан аталганлар, амалда тарихий ҳақиқат бўзиб берилган.

Умуман, собиқ совет даври тарихшунослиги ҳакида сўз юритадиган бўлсақ шуни кайд этиб ўтиш жоизки, биз фикр юритаётган мавзуга доир тарихий адабиётлар мўл-кўл бўлса-да, бироқ афсуски, ўша давр тарихшунослигига бизни қизиқтирган ана шу муҳим масала ўзининг ҳаққоний, холисона илмий талқинини топганича йук. Шу мавзуга доир яратилган монографиялар, рисолалар, диссертациялар, илмий мақолалар ва ўкув қўлланмалари муаллифларининг нуқтаи назаридан «қулоқлар сургуни», уларнинг фожеали қисмати каби ғоят ўткир масалалар четда қолиб кетган.<sup>7</sup>

1929 йил охиридан бошланган коллективлаштириш, деҳқонларнинг асосий оммасига нисбатан зўравонлик ва мажбур қилишлик қўрқитиши, репрессия, қатагон қилиш шароитида олиб борилди. Колхоз қурилиши жуда ҳам зиддиятли тарзда ривожланиб борди. Бир томондан, ҳақиқатдан ҳам камбағал-батраклар бир қисмининг колхоз учун ихтиёрий ҳаракат қилишлари маълум шаклда юз берган. Аммо, иккинчи томондан, маъмурий босим, тазиик, зўрлаш, ўртахол деҳқонларни «қамчилас» орқали коллективлаштириш йулига тазиик билан тортиш жараёни кечган. Бундай бўлишига кўп жиҳатдан 1929 йил 7 ноябрда «Правда»да И.В.Сталиннинг «Буюк бурилиш йили» номли мақоласи ҳам сабаб бўлган эди. Реал хаётий воқелик ва далилларга қарама-қарши тарзда бир қатор районларда деҳқонлар оммасининг асосий қисмини эски, капиталистик тараққиёт йулидан янги социалистик тараққиёт йулига буриб юборишга эришилди, деҳқонларнинг

<sup>6</sup> Р. Шамсутдинов, А. Мамажонов “Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати”. — Т.: «Шарқ», 2005. 10-бет

<sup>7</sup> Р. Шамсутдинов, А. Мамажонов “Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати”. — Т.: «Шарқ», 2005. 34-бет

ўзида туб бурилиш юз берди, дехқонлар ўз орқасидан камбағал ва ўртахолларнинг кенг қатламини эргаштириш, уюштиришга эришдилар, деган хаёлий фикрлар баён қилинган эди.<sup>8</sup>

ВКП(б) Марказий Комитети 1930 йил 5 январда «Коллективлаштириш суръати ва колхоз қурилишига давлат ёрдами бериш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қиласди. Унга мувофик коллективлаштиришни сунъий тезлаштириш ва бу борада «социалистик мусобака»нинг ким ўзди «пойгаси» авж олдирилади.

Мамлакат худуди уч гурух районларга булинади, қайси худуд қачон коллективлаштиришни туғаллаши белгилаб берилади. Ўзбекистон учинчи гурухга киритилган бўлиб, коллективлаштириш 1933 йил баҳорида туғалланиши керак эди. Аммо ВКП(б) Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси томонидан Ўзбекистонда коллективлаштириш жуда секин ривожланаётгани танкид остига олинади. Бу эса Марказнинг Ўрта Осиёдаги югурдак дастёри, бош назоратчиси Ўрта Осиё бюроси учун айни муддао булади. Шу боис у коллективлаштириш ва бу билан ёндош равишда қулоқка тортиш кампаниясини авж олдириб юборади.<sup>9</sup>

Қулоқка тортиш — одамларни барча фуқаролик конституциявий, биринчи навбатда сайлов ҳуқуқларидан маҳрум қилиш эди. Қулоқка тортиш хеч кандай судсиз, терговсиз хал қилинган. Бу ишлар райком котиби, раийжрокум раиси ва ГПУнинг маҳаллий раҳбарларидан ташкил топган маҳсус кенгашлар, «учлик»-лар ва «иккилик»лар томонидан бажарилган. Бу шубҳали, шухратпараст, фиску-фасодга тўлиб тошган “уч”лик»ларнинг вазифаси экспроприация ва депортация қилиниши мумкин бўлганларнинг руйхатини тўзишдан иборат бўлган.<sup>10</sup>

«Оммавий ҳаракат» деган ақида асосида ёппасига коллективлаштириш ўтказиладиган районлар ҳам белгилаб берилади. Унга кўра, жумладан, Ўзбекистоннинг Янги Бухоро, Сариосиё, Конимех Оқдарё, Пастдаргом, Янгиқўргон районларида ёппасига коллективлаштириш ўтказиладиган бўлади. Коллективлаштириш ўтказиладиган бу районларда партиявий раҳбарлик кучайтирилади, бунинг учун марказ ва округларга раҳбар ходимлар юборилади, ҳар бир районда 3 кишидан иборат партиявий раҳбарлар тайинланади, қишлоқ партия ячейкалари котибларига маош тўлаш жорий этилади. Бутун партия ишини колхоз қурилишига мувофиқлаштириш вазифаси қўйилади.

Қарорда колхоз тўзилиши уч шаклда олиб борилиши таъкидланган:

Биринчиси, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ширкати бўлиб, унда бутун қишлоқ хўжалиги инвентарлари, от-улов, тортув кучлари ва ерни биргалашиб ишловчилар умумлаштирилган.

<sup>8</sup> Р. Шамсутдинов, А. Мамажонов “Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар кисмати”. — Т.: «Шарқ», 2005.58-бет

<sup>9</sup> Ўша асар 59-бет

<sup>10</sup> Р. Шамсутдинов, А. Мамажонов “Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар кисмати”. — Т.: «Шарқ», 2005. 76-бет

Иккинчиси, қишлоқ хўжалиги артели бўлиб, бунда барча ишлаб чиқариш воситалари, ер ва бутун ишлаб чиқариш жараёни умумлаштирилган.

Учинчиси, қишлоқ хўжалик коммунаси бўлиб, у ижтимоий ишлаб чиқариш ва тақсимотдан иборат бўлган.<sup>11</sup>

Кўплаб ер егалари мажбурий тортиб олиш сиёсатидан қўрқиб, ўз мол – мулкини совет давлатига топширди ҳамда совет давлати хизматига ўтди. Лекин, 1926 йилдан бошлаб сталинча социализм қуриш бошқа жойларда бўлгани каби Жарқўрғон туманида ҳам оғир кечди. Маҳаллий миллатнинг кўплаб фаол кишилари қамоқقا олинниб, тухмат йўли билан қириб ташланди ёки қийноқ остига олинниб бошқа жойларга сургун қилинди. Сурхондарё округи Жарқўрғон тумани Молия бўлими томонидан 1930 йил март ойида 134 та хўжалик “қулоқ” сифатида рўйхатга олинди. Бу хўжаликлар ичида йиллик даромади 150 сўм бўлган ва тўлайдиган солиқ миқдори 1 сўм 89 тийин бўлган хўжаликлар ҳам бор еди.<sup>12</sup>

1931 йил феврал ойида Ўз. СССР Молия халқ комиссарлигининг маҳсус бригадаси Қашқадарё ва Сурхондарё округларида текширув ўтказганида бу округларда рўйхатга олинган “қулоқ” хўжаликларининг кўпчилиги Тожикистон Республикасига қочиб ўтганлиги аниқланган.<sup>13</sup>

1931 йил августдаги операция натижасида Термиз оператив сектори (Термиз, Сариосиё ва Денов туманлари бўйича) 100 хўжалик (482 жон), Ўзбекистон бўйича жами 3795 хўжалик (17839 жон) қулоқ қилиниб Шимолий Кавказга сургун қилинган.

Қулоқларни сургун қилиш 1932 йилда ҳам давом етди. Ўша йили Сариосиё тумонидан 110 нафар, Денов тумонидан 162, Паттакесардан 27, Жарқўрғон тумонидан 15 хўжалик, Шерободдан еса 86 хўжалик Шимолий Кавказга сургун қилинган.<sup>14</sup> Хуллас, Ўзбекистоннинг барча худудлари катори Бухоро, Самарканд, Сурхондарё округларида хокимият органлари томонидан ёппасига колхозлаштириш деярли фукаролар уруши қонунлари асосида, ҳарбийча, миршабча усул ва йуллар орқали, зўравонлик билан амалга оширилди. Бу жараён қишлоқ аҳолисини нафратга келтирди.

Хулоса қилиб айтганда, коллективлаштириш ва унинг базасида ўтказилган қулоқлаштириш натижасида қишлоқдаги бозор муносабатларига қақшагқич зарба берилди, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тутатилди, аграр ишлаб чиқариш бутунлай издан чиқиб кетди. Коллективлаштириш Сурхондарё округи қишлоқдаридаги объектив, тараккиёт жараёнларига тусқинлик қилди, дехқонларнинг давлат томонидан асоратга солинишига олиб келди. Зўрлик билан

<sup>11</sup> Ўша асар.61-бет

<sup>12</sup> С. Турсунов ва бошқ. “Жарқўрғон тарихидан лавҳалар” Т. “Янги нашр” 2019. 63-бет

<sup>13</sup> Ўша асар. 65-бет

<sup>14</sup> Ўша асар. 66-бет

колхозларга олиб кирилган дәхқонлар барча асосий фуқаролик ҳуқуқдаридан, ҳаттоки күчиб юриш эркинлигидан, касб фаолиятини танлаш ҳуқуқдаридан маҳрум қилиндилар. Уларнинг қочиб кетмаслиги учун паспортлари олиб қўйилди, колхозчиларнинг колхоздан ўз ихтиёрлари билан чиқиб кетишлари тақиқлаб қўйилди. Уларнинг норозилик чиқишиларини босиш учун 1932 йил 7 августдаги фармонга кўра кимда-ким дәхқонларни колхоздан чиқишига мажбур қиласа, 5 йилдан 10 йилгача муддат билан «концентрацион лагерлар»га ташланишга хукм қилинадиган бўлди. Депортация сиёсати натижасида миллионлаб кишилар, уларнинг аксарияти мутлақо айбизз равишда азият чекканлигини таъкидлаш лозим. Депортация (кўчириш) ғайри-қонуний усуллар ва бениҳоя қаттиқўллик билан амалга оширилди. Халқларнинг кўчирилиши ўзининг моҳият-эътибори билан миллатчилик ҳаракати бўлмай, балки сиёсий мулоҳазалар билан ўтказилган эди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ж. А. Амирдинов “Советлар ҳокимияти даврида ўзбекистонга аҳолини кўчириш сиёсати ва унинг мамлакатмиз ижтимоийиқтисодий ва маданий ҳаётига таъсирининг манбашунослиги ва тарихшунослиги” Сурхондарё: илм ва тафаккур илмий мақолалар журнали. №2 2020 йил. Адад плюс
2. Р. X. Муртазаева “Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик” Тошкент. “Универмитет” 2007-йил 99-бет
- 3.Р. Шамсутдинов, А. Мамажонов “Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати”. — Т.: «Шарқ», 2005 128-бет
- 4.С. Турсунов ва бошқ. “Жарқўрғон тарихидан лавҳалар” Т. “Янги нашр” 2019. 63-бет